O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 20 март, шанба • № 23 (11.106) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

ИШЛОВЧИ аёлларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастурини рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

2. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1999 йил, 17 март.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎТА ЗАРАРЛИ ВА ЎТА ОҒИР МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИДА ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАРНИНГ ДАРОМАДИГА ИМТИЁЗЛИ СОЛИҚ СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

ОҒИР ишларда ишлаётган аёлларнинг даромадлари даражасини ошириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1999 йил, 1 апрелдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил, 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 1-рўйхатининг III қисмида ва 2-рўйхатнинг I қисмида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига солиқ солиш бўйича қўшимча имтиёзлар белгилансин, уларнинг даромадларига солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил, 1 мартдаги 72-сон қарорининг 1-банди мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларга нисбатан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси даромад солиғи мазкур қарорга мувофиқ тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши устидан назоратни таъминласин.

4. Вазирликлар ва идоралар идоравий меъёрий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Б. С. Ҳамидов ва Д. М. Ғуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1999 йил, 17 март.

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Республика Киночилар уйида «Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» илмий-публицистик фильми миллий лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа юртбошимиз ана шу номдаги асарининг экрандаги талқинидир. Фильмда ўзбек халқининг ўз Йўлбошчиси раҳнамолигида мустақилликнинг етти йили давомида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлари, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тинмай ортиб бораётгани, келажак режаларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм ўн икки сериядан иборат бўлиши режалаштирилган. Тақдимотда унинг «Маънавий покланиш йўлида» ҳамда «Экологик хавфсизлик ва табиатдан оқилона фойдаланиш маданияти» номли дастлабки икки серияси намойиш этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев мамлакатимиз раҳбарининг китоби асосида яратилган ушбу фильмнинг аҳамияти тўғрисида сўзлади.

Фильм режиссёри ва сценарий муаллифи, профессор В. Исҳоков мазкур фильмнинг хусусиятлари ҳақида гапириб, унда Юртбошимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида баён этилган масалаларнинг чуқур таҳлилини, мазмун-моҳиятини тўла сақлаб қолишга ҳаракат қилинганлигини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари Б. Шодиева, А. Қосимов, Бош вазир ўринбосарлари Д. Ғуломова, В. Чжен, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Ғ. Саидова қатнашди.

(ЎзА).

МАРҲАБО, НАВРЎЗ!



ҚУТЛУҒ АЙЁМ КЕЛДИ ОНА-ЗАМИНГА

Вилоятимизнинг марказий «Дўстлик» ўйингоҳида 18 март куни бўлиб ўтган Наврўз тантаналари умумхалқ сайлига айланиб кетди

ҲА, НАВРУЗ — ўзгача байрам. Наврўз — бунёдкорлик, меҳр-мурувват, гўзаллик байрами. Наврўз, таъбир жоиз бўлса, инсон билан табиат ўртасидаги узвий боғлиқлик тимсоли. Чунки, шу куни инсон ҳаётида ҳам, табиат мижозида ҳам янгиланиш, яшариш санаси — йил боши бошланади. Бу жараён Яратганнинг иноятн, табиатнинг мўъжизаси. Зеро, буни Ўзидан бошқа ҳеч ким шунчалик бир-бирига уйғун қилиб қўя олмайди.

Наврўз бизга — янги давлат қураётган, ўз мустақиллигини тобора мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан шаҳдам одимлаётган халққа жуда-жуда ярашиб туради. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, Наврўз бизнинг озодлигимиз, бахт-саодатимиз, бунёдкорликларимиз, қадриятларимиз рамзидир.

Биз ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлидан олға бормоқдамиз. Мустақиллик таомилига содиқмиз. Бу йўлда қилаётган саъй-ҳаракатларимиз йил сайин, ой сайин, кун сайин ўз мевасини бермоқда. Яшариш, янгиланиш йўлини танлаган, ўз истиқлолига содиқ халқни эса бу йўлдан қайтариб бўлмайди. Буни ҳамма кўриб, билиб турибди.

КУНИ КЕЧА вилоятимизнинг марказий «Дўстлик» ўйингоҳида ўтган вилоят меҳнаткашларининг Наврўз шодиёналарига ташриф буюрганимизда, одамлар юзидаги табассум, бугунги кунидан шукроналик, эртанги кунга ишонч руҳини кўриб, юқоридаги ўй-фикрлар ҳаёлимиздан ўтди. Зеро, Наврўз мустақиллик йилларидаги муваффақиятларимиз, янгиликларимиз, одамлар қалбидаги, тафаккуридаги ўзгаришларнинг намойиши ҳамдир.

Шу куни «Дўстлик» ўйингоҳи ҳақиқий халқ сайлига гувоҳ бўлди. Ўйингоҳ атрофидаги майдон ва ҳиёбонлар байрамона безатилди. Вилоят шаҳар ва туманлари ҳамда

(Давоми 2-бетда).

ТЎЙ ЛИБОСИ БИЛАН ТЎЙГА

НАВРЎЗ арафасида Аёллар йили муносабати билан республика хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда «Тўй либослари» танловини ўтказишга қарор қилган эди.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бунда барча шаҳар ва туманларнинг дастлабки босқич ғолиблари иштирок этдилар.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчи тавсия этган етти турдаги либосларнинг замонавий бўлиши билан бирга миллий услуби, қулайлиги, арзонлигига ва бошқа жиҳатларига алоҳида эътибор қаратди.

Чирчиқлик «Нафис» хусусий фирмаси раҳбари Сара Друкернинг келинлар учун тиккан либоси энг яхши деб топилди ва унга танловнинг биринчи мукофоти берилди. Юқоричирчиқлик Б. Қолдонбоева тавсия этган либос иккинчи ўринга, Қибрайдаги «Мафтуна» хусусий корхонаси раҳбари Р. Раҳматуллаева ва «Нодира» фирмаси раҳбари Нодира Пирматоваларнинг ишлари учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Тошкент туманидан А. Аширов, паркентлик М. Нишонова, зангиоталик М. Юнусовалар намойиш этган либослар ҳам муносиб баҳоланди.

Ғолибларга мукофотларни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева топширди.

З. АШУРОВА.

Хушхабарлар

ЧЕҲРАЛАРДА ТАБАССУМ, ҲАР ЁНДА НАВО

ОИЛАЛАР ХУРСАНД, ОДАМЛАР МАМНУН

ПАРКЕНТ. Тоғлар этагида кенг қулоч ёзган бу ҳудудда ҳар қандай тантана, байрам ўзига хос ўтади.

Эртага туман бўйича бошланадиган айём тадбирларига бугунданоқ тайёргарлик кўриб қўйилди. Марказий кўча атрофидан 11 хўжаликнинг дид билан ясатилган «Қувонч уйлари» жой олди. Туман кўригидан муваффақиятли ўтган бадиий дасталар, хонандаларнинг янги дастур асосидаги концертлари, ўйингоҳларда ўтадиган спорт мусобақалари иштирокчиларни мамнун этишига шак шубҳа йўқ.

Савдо, матлубот уюшмалари ходимлари, хусусий корхоналар, тадбиркорлар, қўшма корхоналар, фермерлар маҳсулотларини кўз-кўз қиладиган пештахталар ҳам шай. Шинам ошхоналарда дошқозонлар осилди, катта самоварлар, ораста идиш-товоқлар, дастурхонлар ҳозирлаб қўйилди.

— Бу сафарги «Наврўз»нинг ўзгачалиги шундаки, — деди туман ҳокими Туроб Холтоев, — «Наврўз» олди мулоқотимизда паркентликлар айёмни фақат меҳнатдаги ютуқлар билангина эмас, ўзгача дунёқараш билан кутиб олмоқдалар.

Айни пайтда мазкур айём тантаналаридан ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир инсон баҳраманд бўлиши учун алоҳида ҳозирлик кўрдик. Ночор оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларни моддий қўллаб-қувватлашни бурчимиз деб биламиз.

КИМНИНГ СУМАЛАГИ ШИРИН?..

БЕКОБОД ТУМАНИ. Аслида бу байрам шукуҳи бундан бир ой олдин бошланган. Тошкент — Бекобод бош йўли чеккасига 15 минг туп мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ўтган йили туманни газлаштириш масаласи ҳокимлик фаолиятининг асосий йўналиши қилиб белгиланган эди. Икки Наврўз оралиғида туманда газ тармоқлари 308 километрга узайди. 17 март куни эса «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг 1-участкасидаги хонадонларга «зангори олов» кириб борди. «Деҳқонобод», Мавлонов номли жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари баҳор айёми олдидан ҳудудлари табиий газ билан таъминлангани учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

Туманда ишчи ўринлари кўпайиб бормоқда. 18-20 март кунлари янги автобекат, 3та хусусий савдо шахобчалари, «Зафар» қўрғонида 20 ишчини бағрига олган «Этиқдўз» кичик корхонаси, қандолат цехи фойдаланишга топширилди.

Наврўз айёми тадбирларининг мазмуни кенг. Булар орасида 15та хўжалик ва кўплаб ташкилотлараро ўтказиладиган «Кимнинг сумалаги ширин» баҳси бу йилги байрамнинг ўзига хос бир фазилати бўлиб қолади.

МАҲАЛЛАЛАРДАН — МАРКАЗГА

ЧИНОЗ. Ота-боболаримиз Наврўз айёми олдидан ўзлари истиқомат қилаётган жойларни ободонлаштириш, хонадонлар корига ярайдиган ниҳоллар ўтказишни одат қилганликлари ҳақида тарихий китобларда маълумотлар кўп.

Шу жиҳатдан олганда, чиноэликлар меҳнати диққатга лойиқ. Туман хўжаликларида 20 минг туп мевали дарахтлар, 80 минг туп терак кўчатлари ўтказилди.

19-20 март кунлари Эски Тошкент, Олмазор, Янги Чиноз қўрғонлари, Чиноз шаҳри маҳаллаларида ўтган халқ сайиллари тантаналар эртага шаҳар марказида давом этади. Бу ерда меҳнат ва уруш фахрийларини бир пиёла чой устида шарафлаш тадбиридан сўнг Хотира ёдгорликларига зиёрат бошланади. Кейин марказий ўйингоҳ айём қатнашчиларини бағрига олади. Санъаткорлар, ҳаваскорлар ижросида катта концерт кўрсатилади. Халқ ҳунармандчилиги бўйича ташкил этиладиган кўргазма, спорт усталарининг чиқишлари, варрак учириш, чиллак ўйнаш, арқон тортиш каби мусобақалар қатнашчиларни хушнуд этиши табиий.

ГУЛЗОРЛАР, ЯНА ГУЛЗОРЛАР

АНГРЕНДАГИ «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари ҳам айёмга тайёргарлик давомида анчагина савобли ишлар қилдилар. Ногиронлар ва нафақахўрларга моддий ёрдам кўрсатилди, улар учун дастурхонлар ёзилди.

Айни вақтда корхона ҳудуди ва атрофи ободонлаштирилди ҳамда кўкаламзорлаштирилди. Бирлашмада 400 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, янги боғларга жой очилди. Айниқса, бутун ёз давомида қулф урриб, кўзни қувонтирувчи гулзорлар барпо этишга алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда тўрт минг туп турли гуллар экилди.

Ўз мухбирларимиз.

Хушхабарлар

Халқим, ниятларинг эзгулик асли —

ҚУТЛУҒ АЙЁМ КЕЛДИ ОНА-ЗАМИНГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

мезбон Юқоричирчиқ тумани хўжаликлари безаган саҳналар, ўтовлар байрам иштирокчиларини ўзига чорлади. Турли-туман Наврўз таомлари, дошқозонларда дамланган ошлардан тановул қилган байрам иштирокчилари ўйингоҳ томон олиб борадиган йўл бўйидаги вилоят корхоналари, хўжаликлари, тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотлари кўргазмаларини завқланиб томоша қилдилар. Эҳ-ҳе, бу кўргазмаларни кўздан кечирар экансиз, мустақиллик йилларида ишлаб чиқаришимиз қанчалик ўзгариб кетганлигини, турли-туман янги маҳсулотлар, дунё бозорида ҳам бемалол рақобатлаша оладиган ишлаб чиқаришга эга бўлиб бораётганлигига амин бўласиз.

Ҳар қандай байрамга болалар ўзгача файз-тароват киритадилар. Ўйингоҳнинг чап томонида ташкил этилган болаларнинг рамзий майдони ҳам беихтиёр сизни ўзига мафтун этади. Мактаб ўқувчилари, жажжи кичкинтойлар томонидан тайёрланган табиат манзаралари, амалий санъатимиз намуналари, баҳор гулларини акс эттирувчи буюмлар сизни табиат қўйнига етаклайди. Ўшанда ёшларимизнинг онадиёримизга қанчалик қалблари муштарак эканлигини, юртимизда ҳақиқий келажак ворислари етишиб чиқаётганлигини вужуддан ҳис этасиз.

...Соат 12.00. Ўйингоҳ узра катта Наврўз томошалари бошланишидан дарак берувчи карнай-сурнай садолари янграйди. Бу «Пойи қадамингдан ўргилай, Наврўз!» номли театрлашган халқ сайли бошланганлигидан дарак берди. 12 мингдан ортиқ вилоят аҳлини ўз бағрига олган ўйингоҳ ўша асноларда жуда гўзал бўлиб кетди. Наврўзни, мустақиллигимизни, истиқболимизни, Ватанимизни мадҳ этувчи шиорлар атрофга янада файз киритиб турарди.

Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов вилоят меҳнаткашларини Наврўз айёми билан муборакбод этар экан, халқимизнинг энг азиз, энг севимли айёмининг хусусиятларига алоҳида урғу берди. Дарҳақиқат, байрамлар орасида Наврўзнинг ўзига хос мазмуни, ўрни, моҳияти борки, уларни ҳар қанча таърифласак арзийди.

Наврўз — янги кун, йил боши. Она табиатнинг янгиланиши, яшаришидир, деб таъкидлади вилоят ҳокими. Наврўз — халқлар ўртасида дўстлик, тотувлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини намоён этувчи айёмдир. Наврўз — меҳр-мурувват, саховат байрамидир. Мана шунинг учун ҳам Наврўз — умумхалқ байрами, деб аталади.

Вилоятимиз халқи 1999 йил Наврўзини ҳам яхши кайфият, эзгу ниятлар билан қарши олмоқда. Мана, ўн кундан ошдики, жойларда, шаҳарларда, туманларда, қишлоқларда, маҳаллаларда, ҳар бир гўшада Наврўз нафаси кезиб юрибди. Бўлиб ўтаётган тантаналар-

(Давоми 3-бетда).

ДЎСТЛИК РУҲИ — ҚАЛБЛАР ШУКУҲИ

Халқимизга хос ажиб инсоний фазилатларимиз — бағри кенглик, дўстлик туйғулари ўзбек номини жаҳонга танитгани қадимги тарихий маълумотлардан, алломалар қолдирган дурдоналардан аён. Бу фазилатлар истиқлол йиллари ичида янада кенг қулоч ёзди. Биргина вилоятимизнинг ўзида 110га яқин миллат вакиллари яшаб, буюк келажагимизни яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Байрамларимиз, тантаналаримизни сафдош, ҳамнафас, ҳамкасб биродарларимизсиз тасаввур этолмаймиз. Хусусан, бизнинг маҳалламиз бунга ёрқин мисолдир.

Маҳалланинг ҳаёти

Мен бугун ҳудудимизда олиб борилган ободончилик, ярасталикни таъминлаш ишлари ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Бу борадаги тадбирлар турмуш тарзимизда одат тусига кириб қолган. Маҳалла фаоллари бу сафарги айём йўналишини қадриятларни улуғлашга, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, ўз миллий урф-одатларимиз билан бирга бошқа миллатларнинг ҳам озод Ватанимизда ҳур ва бахтиёр ҳаёт кечираётганлигини ифодалашга қаратдилар.

Айни пайтда бу йилги байрамнинг аёллар йилига тўғри келиши ҳар биримизнинг қалбимизда ёрқин таассурот қолдиради. Шу жиҳатдан олганимизда Наврўз байрамига тайёрганлик Аёллар йили билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Нуроний ва фахрий онахонлар, ибратли келинлар, ўқиш ва меҳнатда, маҳалламиз жамоатчилик ишларида яхши намуна кўрсатиб келаётган хотин-қизларимиз турмуш-тарзи ва фаолиятига бағишланган «Ҳаёт чаманини яшнатиб турувчи гул аёлдир» мавзусида махсус сурат-лавҳалар ва деворий газета тайёрланади. Пешқадам ҳамқишлоқларимиздан деярли 50 нафари байрам куни маҳалла ва Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг махсус совғалари билан тақдирланади. Байрамдан кейин эса бу аёлларимизни қадимий Хива шаҳрига саёҳатга олиб борамиз.

Миллий анъаналар хотирани англатади. Айни пайтда ҳар қандай хотира халқнинг кечмиши ва келажагининг муҳим белгисидир. Шу боис биз Наврўз байрамини ҳам муносиб инсонларнинг порлоқ хотирасини ёд этмасдан, уларнинг ҳурматини ўрнига қўймасдан, тирикларнинг қадр-қимматига етмасдан тасаввур этолмаймиз.

Шу муносабат билан биз уруш йиллари фронтда ҳалоқ бўлган ва бедарак йўқолган, шунингдек, урушдан кейинги йилларда вафот этган инсонлар хотирасига, қолаверса, меҳнат фахрийлари ҳамда иқтидорли ёшларга бағишланган «Қадрият сурат-лавҳалари»ни ҳам ташкил этдик. Байрам куни уруш ва меҳнат фахрийлари, мактаб, олий ўқув юртлари аълочилари, ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳига, қаровчиси йўқ, кам таъминланган, ёлғиз ногиронларга байрам совғалари берилади.

Маҳалламизнинг аҳил ва иноқ аҳли дўстлик, яқин қўшничилик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, инсонга бўлган ҳурмат-эътибор каби ажойиб анъаналарга содиқ қолган ҳолда, байрам дастурхонларини ҳам ўзлари безатишади. Қўли гул пазанда, моҳир нонвойларимиз, донгдор қандолатчиларимиз кўк сомса ва чучвара, турли миллий пиширириқлар, чиройли ва мазали нонлар тайёрлашади. Маҳалланинг катта қозонларида сумалак ва паловлар пиширилади. Наврўзнинг энг яхши таом ва пиширириқлари, «Файзли дастурхон», «Энг яхши мезбон» кўрик-танлови ғолибларига ҳам мукофотлар аталган.

Маълумки, Наврўз айёмининг оммавийлиги, унинг гўзаллиги анъанавий сумалак сайли, миллий ўйин-кулгилар, ҳазил-мутойиба, қўшиқ, лапарларга боғлиқ. Ҳар доимгидек, жамоа хўжалигимизнинг фахри бўлмиш Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хушовоз ҳофизларимиз Нуриддин Ҳамроқулов ва Маҳмуджон Азимовлар маҳалламизнинг ҳурматли меҳмони бўлишади. Жўра Зияев ва Тўлаган Азимов сингари ҳаваскорларимиз ҳам эл хизматига ҳозирлар.

Маҳалламиз аҳлининг аксарияти ўзбек, уйғур, тожик ва қозоқ миллатига мансуб одамлар бўлганлиги учун ҳам уларнинг иштирокида турли тилларда қўшиқ ва куйлар янграйди. Булардан ташқари, ҳудудимиздаги 9-мактабнинг иқтидорли ўқувчи йигит-қизлари ўзларини Наврўз байрами, Аёллар йилига аталган бадиий чиқишлари билан тантанада қатнашадилар.

Байрамга тараддуд кўришда ва уни ўтказишда Абдихабир Самиғов, Маҳмуджон Турсунов, Тоҳира Тошметова, Оминахон Каримова, Саодат Расулова, Шамсиқамар Сўпиохунов каби фаолларимиз сидқидилдан хизмат қилаётганликларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Зеро, Наврўз яхши фазилатлар, нафис туйғулар, туғилиб ўсган тупроғингга, маҳаллангга ҳурмат, содиқлик, элга муҳаббат, инсон қадрини улуғлашнинг рамзий ва анъанавий айёмидир.

Байрам муборак, азизлар!

Эркин ҒУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги Алишер Навоий маҳалласи оқсоқоли.

БАҲОР БЎЛИБ, БОҒЛАРНИ КЕЗИНГ!

СИЗ йилнинг исталган фаслида (ёзни-ку, қўяверинг), дейлик, қиш чилласида деҳқон бозорини айланиб кўрганмисиз? Пештахталарда турли хил ноз-неъматлар, мева-чеваларни кўриб кўзингиз қамашади. Бу — деҳқон ерлик бўлганлиги, унга эрк берилганлиги шарофатидир! Бу — пахта яккаҳокимлигидан қутилиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига кенг йўл берилганлигидан далолатдир!

ОҚИБАТДА боғдорчилик, узумчилик, мевачилик ҳам йил сайин ривож топиб, майдонлари кенгайиб бормоқда. Айни баҳор кезлари, Наврўз байрами арафасида далада бўлсангиз, буни яққол ҳис этасиз. Тани-жони соғ, билагида қуввати бор деҳқон, кекса-ю, ёш яратиш ишқи билан банд. Кўтаринки руҳда хуш кайфият билан кўчат экяпти, боғ қиляпти. Бу соҳада Тошкент, Қибрай, Паркент туманларида, айниқса, хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда вилоятда 32 минг гектар майдондаги боғ, 12 минг гектар майдондаги узумзорларда ишлар қизигандан қизиб кетган. Боғбонлар, соҳибкорлар Наврўзга янги меҳнат туҳфалари билан етиб келдилар. Халқнинг ҳурмат-эъзозига сазовор бўлган ана шундай боғбонлардан бири — Абдурасул ота Мирзаев Қибрай туманида истиқомат қиладилар. Уларнинг дил сўзларига, ҳикояларига қулоқ солинг-а.

Боғбон фарзандиман. Ёшим ҳам етмишга бориб қолди. Лекин юрагим уриб турган экан, ҳаётдан асло умидимни узмайман. Ҳар тонг далага, боғ-роғлар қўйнига отланаман. Ўзим экиб, ардоқлаб вояга етказган мевали дарахтларим билан сўзлашаман, дардлашаман. Уларда ўзимнинг ёшлигимни ҳис этгандек бўламан. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилади. Беихтиёр биз кўп марталаб эшитган ривоят ёдга келаверади.

Эмишким, қадим-қадим замонда мункиллаб қолган бир қария деҳқон эрта баҳор кезлари инкиллаб-синқиллаб кўчат экаётган экан. Шу пайт подшоҳ ўз аъёнлари билан унинг олдидан ўтиб қолибди. Тўхтабди.

— Эй, отахон, — дебди подшоҳ, — ўзингизни уринтириб нима қиласиз, бу кўчатлар қачон ҳосилга киради-ю, қачон сиз мевасидан татиб кўрасиз.

Шунда отахон ўгирилиб, подшохга қарабди.

— Буни ўзим ҳам биламан, — деб жавоб берибди у. — Мен келажак авлодни, фарзандларимни, невара-чевараларимни ўйлаяпман.

— Э, баракалла, — дебди подшоҳ ва аъёнларига буюрибди. Улар отани тилла тангалар билан мукофотлабдилар. Шунда отахон:

— Мана, кўрдингизми подшоҳим, мен экаётган кўчат ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосил берди...

Ана шунақа, биродарларим. Шунинг учун ҳам мен боғбон бўлганлигимдан шукроналар айтаман. Бу касбни эъзозлашга, қадрлашга ҳаракат қилиб келмоқдаман. «Қизил шалола»да ишлаб юрганимда ҳам шундай қилдим. У ерда ҳам баҳоли қудрат боғлар яратдим. Раҳматлар эшитдим. Бундан уч йил илгари эса туманимиз фахрийларининг каттакони Жўра ака Хоназаров мени ўз ҳузурларига чорлаб, маслаҳат солдилар: Хўжакўрғон ҳудудида салкам уч гектарга яқин тепалик ташландиқ бўлиб ётипти. Шу жойни обод қилиб, боғ ташкил этсак. Ҳокимлик ёрдам берадиган бўлди. Боғбонликка, сизни тайинламоқчимиз. Тўғриси, ўзим ҳам ҳар гал у ердан ўтганимда кўнглим хижил бўларди. Нахотки, ҳар қаричи олтинга тенг ерни шундай аҳволда ташлаб, исроф қилиб қўйсак!». Шунинг учун бажонидил рози бўлдим. Эртасигаёқ ишга киришдик. Оиламиз аъзолари билан ҳаракат қилдик. Менга хўжакўрғонлик меҳнат фахрийлари бошлиғи Раҳимжон ака Эргашев ҳам сўз, ҳам қўл билан амалий ёрдам бериб турдилар. Кўкламда энг яхши, сара мевали кўчатларни олиб келиб, расамади билан экдик. Ариқ бўйларига 10 минг тупга яқин терак кўчатлари ўтқаздик. Ҳар бир кўчат атрофида бутун ёз, йил бўйи парвона бўлдик. Сувидан, озиғидан вақтида хабар олдик. Хулласи калом уч йил деганда, ажойиб боғ бунёдга келди. Бу боғга «Хотира боғи» деб ном бердик. Қариялар, отахонлар вақти-вақти билан бу ерга келиб, сайр қилиб, табиат қўйнида яйраб, дам олиб кетадилар.

Ҳозирги кунда боғимиз яна ҳам яшнаб кетди. Гилос, ёнғоқ, шафтоли ва бошқа мевали дарахтлар олди гуллаб, ҳосил беради. Тунов куни туманимизда ўтказилган катта бир йиғин иштирокчилари ҳам бу ерга келиб, «Боплабсизлар, жуда яхши иш қилибсизлар» деб баҳо бериб, кўнглимизни тоғдек кўтаришди.

Меҳнатимиз қадр топди. Бизнинг ҳудуддаги на эмас, умуман туманимизда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, боғ-роғлар яратиш ишлари яхши десам, муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам вилоят «Нуроний» жамғармаси танловида туманимиз ғолиб деб топилиб мукофотланди. Ана шу мукофотнинг бир қисми бизга берилди. Жуда мамнун бўлдик.

Дарҳақиқат, кимки, хайрли ишга қўл урса, боғ-роғ яратса, у инсонларга эзгулик улашган бўлади. Буни мен ўз ҳаётимда, ишларимда кўриб турибман. Шунинг учун ҳам фарзандларим менинг изимдан боришяпти. Шу баҳор кезларида, Наврўз арафасида ёшларга айтмоқчиман, ҳар дамни ғанимат билинг, кўчат экинг. Ана шунда Наврўз, Наврўзой бўлиб дала ва боғларда кезиб юрасиз, қаримайсиз, руҳан тетик бўласиз.

Инсон учун энг катта бахт шу эмасми аслида!

Абдурасул ота МИРЗАЕВ,
қибрайлик кекса боғбон.

ХИЗМАТГА ТАЙЁРМИЗ

БАҲОР айёмида байрамона кайфият бўлиши табиий. Бу муайян даражада савдо ходимлари кўрсатадиган хизматга ҳам боғлиқ. Вилоятда бу ишнинг асосий оғирлиги компаниямиз жамоаси зиммасига тушади. Шунинг учун бу галги Наврўзга тайёргарлик ишларини анча барвакт бошлаб юбордик. Янги дўконлар ишга туширилди, мавжудлари таъмирланди. Сотишга чиқариш учун харидорбоп маҳсулотлар жамғариб қўйилди, ходимлар муомаласи такомиллаштирилди.

Маълумки, халқимизнинг бу қадрли ва шукуҳли айёми майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, ўйингоҳларда ва бошқа шу каби масканларда ўтади. Уларда тантаналар, халқ сайиллари уюштирилади. Шундай бўлгач, байрам савдоси ҳам ана шундай жойларга кўчирилди. Бунинг учун барча шаҳарларда байрам иштирокчиларига хизмат кўрсатувчи муваққат ва кўчма дўконлар ташкил этилди. Умумий овқатланиш корхоналари ҳам хўрандаларни ана шундай жойларда кутиб оладилар.

Байрамда савдо ярмаркаларини уюштириш яхши анъана бўлиб қолган. Бу йил ҳам бу ишга алоҳида эътибор берилди. Уларда озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, дала ноз-неъматлари бўлган сабзавотлар, картошка, иссиқхоналарда етиштирилган цитрус мевалари, помидор, бодринг, кўкатлар ва резаворлар билан савдо қилинади.

Байрам кунлари вилоят шаҳарлари аҳолисига юқори савияда савдо хизмати кўрсатишга қаратилган тадбирларнинг бири кўрик-танлов ўтказиш бўлади. Унда барча савдо ташкилотларимиз қатнашадилар. Бундай беллашувда совринли ўринларни эгаллаганларга рағбатлантириш учун пул мукофотлари таъсис этилди. Унда ғолиб чиққан савдо ташкилотига 200 минг сўм берилади. Иккинчи ва учинчи ўринларни олишга муяссар бўлганларни 150 минг ва 100 минг сўмлик мукофотлар кутмоқда.

«Элга хизмат — олий ҳиммат» дейди халқимиз. Бу доно нақлни ўзларига шиор қилиб олган компаниямиз савдо ходимлари хизматга шай турибдилар.

Ғайрат ТУРСУНОВ,
«Тошкентвилоятсавдо» компанияси раиси.

ГУЗАР МАҲАЛЛАНИ БЕЗАР

ТОШКЕНТ туманидаги бинокорлари Наврўз арафасида аҳолига турли-туман хизмат кўрсатувчи қатор иншоотларни барпо этишди. Гузарлар, автобекатлар, дўконлар, ошхоналар, ичимлик сув ва газ тармоқлари шулар жумласидандир. Суратқашимиз Даврон Аҳмад тасвирга туширган ушбу кўркам бино ҳам қурувчиларнинг баҳор айёмига совғаси бўлди. Миллий меъморчилик анъаналари асосида нақшлар берилган бу муҳташам бино Иброҳим ота гузаридир. Бинонинг биринчи қаватида саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш ашёлари билан савдо қилувчи дўконлар жойлашди. Иккинчи қаватда эса тикувчилик цехи ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА: озиқ-овқат маҳсулотлари дўконининг сотувчиси А. Алиева; янги гузар биносининг умумий кўриниши.

БИЗ СИЗЛАРНИ ЧИРЧИҚДА КУТАМИЗ

Чирчиқ байрамни янада обод ҳолда кутиб олмоқда. Чунки айёмга тайёргарлик ишлари анча илгари бошлаб юборилган эди. Шанба ва якшанба кунлари меҳнат жамоалари, маҳаллалар аҳли, талабалар ўзларига биркитилган ҳудудларда теварак-атрофни чиқиндилардан тозалаш, сув оқадиган катта-кичик иншоотларни тартибга келтириш, мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари экиш, гулзорлар барпо этиш, дарахтларни оқлаш каби юмушлар билан шуғулландилар.

Олдинги шанбада эса умумшаҳар ҳашари уюштирилди. Унда байрам тантаналари ва сайиллари ўтадиган иккала маданият ва истироҳат боғи, ўйингоҳ, майдонлар, дўконлар, бекатлар таъмирланди. Ҳамма нарса байрамга тахт қилиб қўйилди.

Наврўз мурувват кўрсатиш айёми ҳам ҳисобланади. Шаҳар ҳокимлиги, саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалар жамоаларининҳ анъанага амал қилиб, қатор ҳайрия ишларини амалга оширдилар. Шаҳар иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган чирчиқликлар муносиб тақдирланди. Байрам тантаналари уларни шарафлашдан бошланди. Ҳозирги вақтда қарилик ғаштини сураётган 500 нафар чирчиқлик отахонлар ва онахонлар ўзлари учун ёзилган катта дастурхонга таклиф қилиндилар. Уларга ош тортилди, ноз-неъматлар билан тўла дастурхон атрофида мириқиб гурунглашдилар. Санъаткорлар хизматда бўлдилар.

Байрам билан боғлиқ яна бир яхши таомил ҳам эсдан чиқарилмаяпти. Бу — саҳоватпешалик. Айём арафасида юзта ночор, бокувчисиз, ногиронлар хонадонларига шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари ва вакиллари ташриф буюриб, уларга ҳокимликнинг совғасаломларини улашдилар. Ҳар Наврўзда 14-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 65 нафар бола ҳисобига минг сўмдан пул ўтказиларди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ҳозирга келиб улар ҳар бирининг маблағи йигирма минг сўмга яқинлашиб қолди. Бундай ҳайрли ишга шаҳардаги барча меҳнат жамоалари ҳисса қўшмоқда.

Наврўзнинг асосий тантаналари маданият ва истироҳат боғларида, саккиз минг ўринли шаҳар ўйингоҳида ўтади. Бу жойларда халқ сайиллари тонгдан кечгача давом этади. Чирчиқда бўлиб ўтган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танлови ғолиблари, ҳаваскорлик дасталари, мусиқа мактаблари талабалари шу куни ўз санъатларини намойиш қиладилар. Турли спорт мусобақалари ўтади. Унда нафақат Чирчиқ, балки, Паркент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари спортчилари ҳам қатнашадилар. Хуллас, байрам дастуримизнинг қўлами кенг ва қизиқарли.

Биз азиз муштарийларни улуғ айём билан муборакбод этиб, байрамга таклиф этамиз.

Замира ШОМАДИЕВА,
Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

Сенга ярашади Наврўз — ризқ фасли

ТЕЛЕФОНДА ЖАМОАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР:

Нуъмон НАСИМОВ — вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси:

— «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси билан жамғарма ҳамкорликда ўтказган «Вилоятимизни боғ-роғларга буркайлик» танлови якунланди. Қибрай тумани фахрийлар боғининг боғбонлари биринчи ўринни эгаллаб, 25 минг сўм пул ва биринчи даражали дипломга сазовор бўлдилар.

Иккинчи ўрин ўртачирчиқлик боғбонларга насиб этди. Улар иккинчи даражали диплом ва 15 минг сўм пул билан тақдирландилар. Наврўз кунлари вилоят «Нуроний» жамғармаси орқали шаҳар ва туманлардаги ёлғиз қариялар, етим-есирлар, ногиронларга 300 минг сўмдан кўп пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадъя этилди. Отахонлар боғлар барпо этиш, экилган кўчатларни парваришлаш ва Наврўз билан боғлиқ тадбирларнинг фаоллари бўлдилар.

Жаҳон РОҲАТОВА — «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими раиси:

— ВИЛОЯТДАГИ «Мусаффо ёшлик», «Ёш авлод учун», «Ҳасанавлод» фирмалари яна саховат кўрсатишди. Улар ажратган дори-дармонлар, иссиқ кийим-кечакларни ортган «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлимига қарашли ҳаракатдаги «шифо»хона Қуйичирчиқ туманида Наврўз совғаларини улашиб бўлиб, каттаю-кичикни тиббий кўрикдан ўтказишни бошлаб юборди.

Алишер Тошпўлатов, Абдуғани Мирзажонов, Ҳасан Турдиқуловлар раҳбар бўлган бу фирмалар авлодимиз соғломлиги йўлида бир неча йиллардан бери ёрдамларини аямяптилар. Кўчма шифохона ўз сафарини бошқа туманларда ҳам давом эттиради.

Муфарраҳ КАРИМОВА — вилоят Қизил Ярим ой жамияти раиси:

— 22та кам таъминланган оилалар ўғил-қизларининг ҳар бирига 1000 сўмдан омонат дафтарчалари очилди. Жамиятнинг шаҳар ва туман бўлимларида беш нафардан бола бундай имтиёзга эга бўлди.

Оҳангарон туманида ёлғиз қарияларга, ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларига кийим-кечак, пойабзаллар совға қилинди.

Ёқуб ТУРСУНОВ — «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими раиси:

— ЎТГАН йил Наврўздан бошлаб биз хўжаликлардаги ўйингоҳлар, мактаблар майдончаларини ободонлаштириш, шаҳар ва туманлар ҳудудларини қўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашиб келяпмиз. Айни пайтда ёшларнинг ҳуқуқий, маънавий билимларини чуқурлаштириш мақсадида «Сиз тарихни биласизми?», «Сиз қонунни биласизми?» мавзуидаги танловларнинг биринчи босқичи якунланди. Бу борада Бўстонлиқ ёшлари қўли анча баланд келди. Айём кунларида «Камолот»чилар бошқа жамғармалар қатори ҳамма тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар.

ИЗЗАТ ҚИЛГАН, ҲУРМАТ ТОПАР

УМУМХАЛҚ байрами шарафига ўтаётган тадбирлар сони вилоятда кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Пойтахтнинг Улуғбек номли истироҳат боғида соғлиқни сақлаш ҳодимлари касаба уюшмаси, жисмоний тарбия ва спорт вилоят қўмиталари «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими биргаликда «Аёл — олам чароғи» деб аталган сайл ўтказдилар.

Анжуманнинг жуда қизиқарли бўлишида куй, қўшиқ, шеърхонлик, спорт ўйинлари алоҳида ўрин тутди. Голибларга совғалар топширилди.

Шаҳло БЕКНАЗАРОВА.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ КЕЛДИ ОНА-ЗАМИНГА

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

дан ҳеч ким бебаҳра қолмаяпти. Бу тантаналарда вилоятимизда истиқомат қилаётган юздан ортиқ миллат ва элатларнинг барча вакиллари фаол иштирок этмоқда. Етим-есирлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга байрам совғалари улашилмоқда.

Ризқ-рўзи яратиш ишқида ёнаётган деҳқонларимиз аллақачон далага чиқиб улгурдилар. Уларнинг пешона тери, қалб кўридан баҳра олаётган экинзорлар, боғроғлар кундан-кунга кўркамлашиб, яшнаб бормоқда. Деҳқонларимизнинг бу йилги ниятлари катта. Деҳқонлар бу йил ҳар қачонгидан ҳам баракали хирмон уйишни ният қилмоқдалар. Иншооллоҳ, уларнинг пок ниятлари ўзларига ҳамроҳ бўлсин. Наврўз — янги кун — йил боши уларнинг эзгу ниятларига оқ фотиҳа берсин.

Юқорида айтганимиздек, мустақиллик йилларида Наврўз айёмининг яна бир янги — ўзига хос хусусияти қулоч ёзиб бормоқда. Бу — халқимизнинг бунёдкорлик фазилатидир. Бугун нафақат шаҳар, туман марказлари, балки, чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам янги-янги қурилишлар авж олмоқда, кўчалар равонлашмоқда, уй-жойлар қад кўтармоқда, ҳиёбонлар барпо этилмоқда, гузарлар ишга тушмоқда.

Юртбошимиз қишлоқ ҳаётини янгилаш, қишлоққа маданият, маърифат олиб киришдек эзгу ишни бошлаганларидан буён юзлаб қишлоқлар газлашди, сув билан таъминланди.

Келинг, шу ўринда 1999 йил Наврўз арафасида ишга туширилган объектларнинг айримларини санаб ўтайлик. Вилоят бўйича 8 минг квадрат метр саҳнли уй-жойларда халқимиз ҳовли тўйлари ўтказдилар. 41 километр табиий газ, 8 километр ичимлик сув тармоқлари оилаларга кириб борди. 14та маҳалла гузарлари, 7та маиший хизмат мажмуалари, 30га яқин маданий-маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, 12та умумий овқатланиш муассасалари, 50га яқин янги дўконлар ва 26та замонавий безатилган автобекатлар шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига-чирой қўшди. Ангренда Ўзбекистон — Олмония ҳамкорлигида бунёд этилаётган "Каолин" қўшма корхонасининг ишга туширилиши нафақат вилоят, балки, республика халқ хўжалигининг энг катта ютуқларидан бири бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Маърифат, маънавият, тиббиёт соҳасида ҳам туб бурилишлар юз бермоқда. Байрам иштирокчилари билан суҳбатлашар экансиз, улар қалбидаги, онгидаги, дунёқарашидаги ўзгаришларни яққол сезасиз. Бугунги халқимиз эндиликда жўн, соддадил, фақат бугунини ўйлаб, ишлаётган одамлар эмас. Улар катта истиқболларни кўзлашмоқда. Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Халқимиз тобора жаҳоний дунёга юз тутиб бораётган Ўзбекистонимизнинг муваффақиятларидан фахрланмоқда.

Ўйингоҳ узра таралган куй-қўшиқлар бугун ўша ҳис-туйғуларни куйлаяпти. Оҳангаронлик Тошпўлат Маткаримов, таниқли эстрада хонандаси Равшан Комилов, «Сарбон», «Турон» гуруҳлари, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг вилоят бўлими хонандаси Анвар Ғаниев, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубовнинг Ватан, халқ, баҳор, Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқлари даврага янада файз киритди. Шу куни таниқли сўз устаси Обид Асомов ижросидаги ҳажвий чиқишларни тинглаган одамлар орасида табассум қилмагани қолмади. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган раққоса қизлар хиром айлаганда, томошабинлар ҳам уларга қўшилиб кетишди. Буларнинг ҳаммаси тинч, тотув яшаётган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ягона мақсад, ягона истак йўлидан бораётганлигининг намойиши эди.

Дарвоқе, шу кунги Наврўз айёми тантаналари қўшалоқ байрамга айланиб кетди. «Дўстлик» ўйингоҳида Ўзбекистон футбол бўйича мил-

(Давоми 4-бетда).

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 22

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Миниатюра ранг тасвири».
8.50 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.15 Лирик тароналар.
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ватан остонадан бошланади».
10.20 «Кавингтон Кросс». Кўп серияли бадиий фильм. 3-4 серийлар.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10-14.40 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади «Олимп сари одимлар». Премьера.
18.25 «Мардлар кўриқлайди Ватанни!»
18.45 «Куйла, ешлигим».
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен баҳорни сотдим». Мусиқий драма.
21.45 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 31-қисм.
22.35 **«Маънавият» дастури.**
23.25 Эркин ва юнон-рим кураши бўйича Мустақиллик кубоги халқаро турнири. Финал мусобақалари.
23.55 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади «Ким этнинг-у, ким чаққон», «Мультомоша»
18.40 «Темурнома». Расадхона.
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Оҳсалиш».
19.45, 20.35, 23.30 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Жаҳон. Халқаро шарҳ.
21.00 «Олам футболи».
21.15 «О, ешлигим...»
21.35 «Ўзбегим машинаси». ЎзДЭУ авто.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Мирзо Улуғбек айёми».
23.35 «Зулфатни тарк этиб». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»)
01.00 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ғриптош». Мульттўплам.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.35 «Кутилмаган тўрт нотаоён». Телесериал.
19.20 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 ديпром новолар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Спорт-тайм».
22.20 «Талабларга биноан».
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Саргузашт фильмлар экрани.
00.50 «Хайрли тун, шоҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Дил изҳори».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Полиция академияси». Бадиий фильм.
17.30 «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
18.00 Клип-антракт.
*
18.15 «Бу эрмак жонворлар».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
Россия жамоат телевиденнеси
19.05 Душанба куни Познер билан «Биз» дастури.
19.45 Милиция сериали премьераси. «Чироқлари сиғнаи кўча-3».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Вақт хазинасидан».
22.40 «Замонавий дизайн».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Викинглар ўғли».
Бадиий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20-01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 23

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Шуқулар ола кел». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 31-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 «Шоирлар — болаларга».
10.55 Кундузги сеанс. «Сирли шарча». Бадиий фильм.
12.05 «Ўзлигинг номоён қил». Экранда — Қорақалпоғистон.
12.45 «Мусиқа ва замон».
13.10 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.30 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.05 «Кавингтон Кросс». Кўп сериали бадиий фильм. 5-6 серийлар.
13.45 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10-14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи (Фарғона) — «Самарқанд».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Сиҳат-саломатлик».
19.00 «Талаб ва таклиф».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Наврўз тароналари». Мусиқий дастур.
21.45 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 32-қисм.
22.35 «Илди қурбон фазилатлари».
22.55 «Футбол майдонларида».
«Тунги ҳамроҳ».
23.10 «Оила». Тележурнал.
23.40 «Газалхон ёшлигим».
24.00 «Ахборот».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жажжи гўзал», «Мультомоша»)
18.40 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастур.
18.55 Клип-антракт.
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози».
19.35 «Рақурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.50 Эълонлар.
20.35 «Ринг».
20.50 «Юксинг ерда қолмасин».
21.05 Мусиқий лаҳзалар.
21.10 «Спектаклдан сўнг...»
21.30 «Автоойна».
21.40 Нодирбек Лутфуллаев куйлайди.
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Ҳаво пирдоби».
00.05 «Хит-коллекция».
00.25 «Қадимги шуҳлиқлар». Бадиий фильм.
01.25 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ғриптош». Мульттўплам.
18.20 Болалар учун. «Ҳалфана».
18.35 «Кутилмаган тўрт нотаоён». Телесериал.
19.10 «02» тўлқинида.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-қадамдаги».
20.20 Екимли оҳанглар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Хайрли оқшом».
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Онаҳонам».
23.05 «Кўзгу». Тележурнал.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ.
01.15 «Хайрли тун, шоҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевиденнеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Дурдоначон».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Ички шаҳар ҳиссаси». Бадиий фильм (Англия)
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.10 Клип-антракт.
18.15 «Куйини топинг».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
Россия жамоат телевиденнеси
19.05 «Маозу».
19.45 Милиция сериали. «Чироқлари сиғнаи кўча-3».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Мойнитор-Ойнё».
22.45 «Кунар сохиблари».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Ўт ўрувчи-2». Фантастик фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20 -01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 24

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳор».
8.40 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан».
9.05 «Меҳригиё».
9.25 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Ватанпарвар».
10.45 «Зиё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.15 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.30 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.05 «Кавингтон Кросс». Кўп сериали бадиий фильм. 5-6 серийлар.
13.45 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10-14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Самарқанд».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Сиҳат-саломатлик».
19.00 «Талаб ва таклиф».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Хайрли оқшом».
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Онаҳонам».
23.05 «Кўзгу». Тележурнал.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ.
01.15 «Хайрли тун, шоҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевиденнеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Дурдоначон».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Худди ота-боладек». Бадиий фильм.
17.25 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
17.55 Клип-антракт.
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Мультсайёра».
*
Россия жамоат телевиденнеси
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 Милиция сериали. «Чироқлари сиғнаи кўча-3».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Мойнитор-Ойнё».
22.45 «Кунар сохиблари».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Викинглар ўғли».
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20 -01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 25

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Санъатга бахшида умр». А.Одиловга.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 32-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Зиёнат».
10.30 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
10.45 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
11.25 «Тўтия камолга». Спорт дастури.
11.40 «Қуқуқий жамият сари».
12.05 «Ботма, қуёш!»
«Умид» намойиш этади:
12.25 «Севимли созим».
12.50 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
*
13.20 «Зангиотада Наврўз». Мусиқий дастур.
14.10-14.30 «Дилхирож». Бадиий-публицистик кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Ранглар жилоси».
19.00 «Хиндоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
21.40 «Дунё — аёл нигоҳида». Мусиқий дастур.
22.20 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Кавингтон Кросс». Кўп сериали бадиий фильм. 7-8 серийлар.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Somon йўли».
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 32-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Табобат оламида».
19.45, 20.45, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Мулоқот».
20.55 «Одобнома».
21.05 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.15 «Бегойим».
21.35 «Мезон».
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Ғий дурдонаси».
00.20 «Жаҳон жаниговар санъатлари».
00.40 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ғриптош». Мульттўплам.
18.25 «Кутилмаган тўрт нотаоён». Телесериал.
19.10 «Билиб қўйган яхши».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ҳанда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Виждон». Телесериал.
21.45 «Диларбо тароналар».
22.05 «Янги иқтисод».
22.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 «Яхши қайфият».
23.15 «Жаҳон спорти».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ.
01.15 «Хайрли тун, шоҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевиденнеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Бинафша».
*
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Зулматдаги зарба». Бадиий фильм.
17.45 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
*
18.15 «Куйини топинг».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
Россия жамоат телевиденнеси
19.05 «Эслашлари учун...» Владимир Дружников. Кўрсатувни Л.Филатов олиб боради.
19.45 Милиция сериали. «Чироқлари сиғнаи кўча-3».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Коктейль-плюс».
22.40 «Кино сайёраси».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф. Жек Никольсон, М.Пфайфер «Истиклик аллаҳлари» фильмида.
01.20 «Ахборот» (рус тилида)
01.45-01.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 26

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сойл».
8.40 «2х2». Мусиқий дастур.
9.05 «Оламни асранг».
9.25 «Ишкнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Спортчилар суполаси».
10.50 Болалар учун. «Наврўзи олам келди».
11.20 «Олтин мерос».
12.05 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.20 «Кавингтон Кросс». Кўп сериали бадиий фильм. 7-8 серийлар.
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30-15.15 «Сумалак — етти малак». Театрлаштирилган томоша.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Солиқ ва назорат».
18.45 «Тилга эътибор».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Маърифатнома».
21.35 А.Навоий номидаги миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар.
23.20 «Ахборот».
23.50 «Оскар-99» соҳиблари.
00.20 «Борже узуғи». Бадиий фильм. 1-2 серийлар.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Жиззах шаҳар ўқувчилари билан учрашув)
18.40 «Ҳужжатли кино бисотидан». «Томоша».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Талабалар шаҳарчаси».
19.45, 20.35, 22.45 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Далия ва шарқ».
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.00 «Темурнома». Сохибқирон пирлари.
21.20 «Навоиларда оён этсам». Мусиқий дастур.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Наврўз оҳанглари».
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Шарқ оҳанглари».
22.50 Синема. «Бўриқар рақси».
01.30 «Мунаввар тонг истаб!»

ЎзТВ-III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ғриптош». Мульттўплам.
9.20 «Дардингизга даво...»
9.30 «Мусиқий танаффус».
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Турмуш ҳақида». Ҳалқаро шарҳ.
11.30 «Онаҳонам».
12.00 «Мусиқий сайёра».
12.40 «Саодат калити».
13.00-14.40 «Кинонигоҳ».
***
15.00 Мусиқа теграсида.
15.20 «Ширин орзулар».
15.40 Синема.
17.00 «Сен азиз ва муқаддассан, аёл». Мусиқий дастур. 1-қисм (такрор.)
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтириш», «Мультомоша»)
18.40 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Муқаддас қадамжолар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Баҳс, мунозара, таҳлил...»
19.50, 20.45, 00.25 Эълонлар.
19.55 «Чоликуши». Телесериал. 4-қисм.
20.50 «Спорт ҳафтаномаси».
21.10 «Айёмнинг муборак».
21.15 «Бизнес-академия».
21.35 «Ғалтар» телеканали тақдим этади: «Оллоҳ, қалбимизда, юртимизда». Видеофильм премьераси.
21.55 «Айёмнинг муборак».
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Замин фарзанди. Буюк ватандошимиз Абутуроб Нахшабий ҳақида. Телевизион бадиий фильм.
23.50 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
00.20 «Айёмнинг муборак».
00.30 Синема. «Қоплон».
02.10 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Болалар учун. «Ҳалфана».
9.15 «Жозиба».
9.30 «Саҳсат Бичиннг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.15 «Яхши кайфият».
10.45 Болажонлар экрани.
12.15 «Ер қурраси».
12.35 «Бева бланка». Телесериал.
13.20 «Билиб қўйган яхши».
13.35 «Дўстлиқ» видеоканали: «Чинсэна», «Немис шарҳи».
14.20 «Спорт оламида».
14.40-16.20 «Кинонигоҳ».
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ғриптош». Мульттўплам.
18.30 «Табиат шифокоҳаси».
18.40 «Мирзо Ғолиб». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таянч».
20.20 ديпром новолар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Далласъ». Телесериал.
21.55 «Муаллиф».
22.25 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.00 «ДАРАКЧИ».
23.10 «Кимлар туфайли».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.35 «Хайрли тун, шоҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.25 Кинематограф. «Истиклик аллаҳлари». Бадиий фильм.
11.15 «Фан-тайм» (инглиз тили: болалар учун)
11.25 «Жонли сайёра».
11.45 «Бирғалиқда куйлаймиз».
12.30 «Умман».
12.50-13.20 «Жаҳон спорти янгиликлари».
***
17.10-18.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.35 «Бинафша».
Россия жамоат телевиденнеси
18.50 Валерий Леонтьевнинг юбилей концерти.
20.50 Голибликка талабгорлар. «Ника» миллий кинематография соврини.
21.00 «Время».
21.35 Машҳур ижоварлар. Коломбоннинг оптикча иши. «Мос келадиган далиллар».
*
23.00 Америка киноакадемиясининг «Оскар-99» мукофотини топшириш маросими. Лос-Анджелесдан олиб кўрсатилади.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
01.10-01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Мозийдан бир мўъжиза».
9.25 Телевизион миниатюралар театри.
«Умид» намойиш этади:
10.05 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.25 «Кўзгу».
10.55 «Мен билган, билмаган дунём».
*
11.15 Ҳалқаро театр кунига. «Сахна ҳаётий».
11.45 «Диёр». Тележурнал.
12.25 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
12.40 «Ҳамма кўриши шарт...эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
13.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.05-14.40 «Саноатлар сарвари».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаётий».
21.25 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.30 «Илоҳ бухоро қадамжолари бўйлаб». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
«Тунги бедуз». Дам олиш дастури.
22.50 «Мусиқий сабоҳат».
23.10 «Ахборот».
23.40 «Борже узуғи». Бадиий фильм. 3-4 серийлар.
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Одобнома».
10.00 «Мумтоз новолар».
10.15 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастур.
10.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 31-қисм.
11.20 «Эски альбомдан».
11.25 «Бугунгинг боласи».
11.45 «Мунисхон».
12.05 «Темурнома». Менинг бир боғим борки».
12.25 «Сир».
12.40 «Рақурс».
13.05 «Эски альбомдан».
13.10 «Мафтункор чиқралар».
13.30 «Чоликуши». Телесериал. 3-қисм.
14.20 «Баҳс, мунозара, таҳлил...». Фидокорлар.
15.00 Мусиқа теграсида.
15.20 «Ширин орзулар».
15.40 Синема.
17.00 «Сен азиз ва муқаддассан, аёл». Мусиқий дастур. 1-қисм (такрор.)
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтириш», «Мультомоша»)
18.40 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Муқаддас қадамжолар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Баҳс, мунозара, таҳлил...»
19.50, 20.45, 00.25 Эълонлар.
19.55 «Чоликуши». Телесериал. 4-қисм.
20.50 «Спорт ҳафтаномаси».
21.10 «Айёмнинг муборак».
21.15 «Бизнес-академия».
21.35 «Ғалтар» телеканали тақдим этади: «Оллоҳ, қ

ТИЛАҒИНҒНИ АЙТ, АЁЛ?

БОҒЛАРҒА оқ бодроқ сочилди. Боғлар Аёлни чорлади. Ғунчалар Аёлнинг сочига безак бўлди. Ним пушти гулларни ҳидлаб, юзлари пуштиранг тусга кирди. Чечаклар сирларини Аёлга шивирладилар. Аёл ҳар галгидек шу кўкламни ҳам ўзиники қилиб олди. Уни суйди, эркалади. Ўзини баҳорга менгзади. «Бу менинг баҳорим» дея пичирлади. Билдики, у асли баҳорга ўхшайди, баҳор эса унга...

У юраги ишққа, кўзлари сеҳрга тўлиб, қадимий кўшиқни ҳиргойи этади:

— Ёр сени кўриб қолдим, чаман ичра,
боғ ичра,
Ишқингда куйиб қолдим, чаман ичра,
боғ ичра...

Аёлнинг шикаста овози мени ҳам сеҳрлади. Юрагимга қўшиқ инди. Мен у қўшиқни қушларга айтдим, қушлар жўр бўлди. Шамолга айтдим, шамол узоқларга олиб учди. Тоғларга айтдим, тоғлар нуради. Дарёга айтдим, сувлари томчи бўлди. Бироқ, қўшиғим ёрга етиб бормади. Ёр жуда олисдайди. Сўнг қўшиғимни руҳимга жойладим. Руҳимни ёр томон узатдим. У дарёлардан ўтди, тоғлардан ўтди. Ёрнинг суврати қўшиққа жойланди. Қўшиқ дунёни айланди. Мен эса куйлайвердим.

Узоқ-узоқларда яна кимдир оҳиста куйлай бошлади:

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади...

«Олам кўшиққа тўлса, борлиқ гўзал кўринаркан!» дейман суюниб. Қувонган биргина менми? Йўқ. Атрофга боқаман. Ана, боғ ичидаги қушлар хониши гўёки муҳаббат баёзи бўлиб таралади. Тупроқни ёриб, яшашга чоғланаётган майсалар, митти чумолилар сарин елларда тебраниб, оҳиста куйлаётгандай туюлади. Диллардаги тилаклар тилга кўчади.

— Сен севгига ўхшайсан, Наврўз! — дейди ошиқ йигит.

ҚАТРА

— Тўйимизда ҳаммаёқ лолага тўлади, — дейди қиз ва юзлари лоладек қизаради.

— Ҳадемай довучча кўпаяди, — дея шивирлайди келинчак.

Сўрилардаги офтобрўяда чордона қурган момолар сумалак пиширишни режалайдилар. Дарвозалар ёнидаги ўриндиқларга ярашиб ўтирган боболар эса дуо ўқийдилар: — Шукр, Наврўзга ҳам етдик. Илоё, юрт тинч, эл-улус, соғ-омон бўлсин!

«Тинчлик қанчалар яхши!» дейман шодланиб. «Яхши! Яхши!» деб менга жўр бўлади табиат.

— Табиат, сен қайдан куч оласан?

— Аёлнинг табассумидан, — дейди у.

— Умид, сен бунча яхши кўрасан, Аёлни?

— Мени Аёл дунёга келтирган, — дейди умид.

— Ҳаёт, сен нечун севасан, Аёлни?

— Мен ҳам Аёл фарзандиман, — дейди у.

«Ҳаётнинг давомчиси — Аёл омон бўлсин!» дейман мен. «Омон бўлсин!» дея мени қувватлайди ён-веримдаги товушлар.

— Сен-чи, сен кимни кўпроқ суясан? — деб сўрайман аёлдан.

— Жонимдан яралган жигаргўшамни, — дейди у.

— Шу қутлуғ кундаги тилакларинг не?

— Юрт тинч бўлсин, фарзандларимизга зиён-заҳмат етмасин!..

«Тинчлик қанчалар муқаддас!» дейман яна. Жамики оналар бахтига эл-юрт осойишта бўлиб, фарзандлар соғ-омон камол топсин...

Болалар боғчаси ёнидан ўтаётиб, ичкаридаги шўх мусиқа садолари қулоғимга чалинади. Жажжи қизалоқ бийрон тиллари билан қўшиқ айтади:

Мен онамни севаман,
Кенг оламни севаман.
Соғ бўлсин онам, дейман!
Тинч бўлсин олам, дейман!

Аёлнинг юрагидаги ширин умидлар, болажонлар тилидан учган тоза ниятлар шу қутлуғ кунларда, албатта, ижобат бўлғай. «Қадаминг қутлуғ бўлсин, элу-юртга тинчлигу омонлик келтиргил, Наврўз!» — дейман. Сўзларимга акс-садо бўлиб бутун борлиқ жонланади...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

КУТЛУҒ АЙЁМ КЕЛДИ ОНА-ЗАМИНГА

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда).

лий чемпионатининг байроғи ҳам кўтарилди. Бу тантанада иштирок этган вилоятимиз спортчиларининг чиқишлари мамлакатимизда физкультура ва спортнинг ҳам жадал ривожланиб бораётганлигидан дарак берарди.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси шу куни мамлакатнинг 1998 йилги чемпиони, пойтахтнинг «Пахтакор» футболчиларини қабул қилди. Соат 15.00да бошланган учрашув ўйингохдагиларни футбол оламига етаклади. Ҳали айтганимиздек, 1999 йил Наврўзи «Дўстлик» жамоаси учун янги мавсумни бошлаб берди. Аввало, шуни айтиш керакки, энди жамоани янги бош мураббий Рустам Мирсодиқов бошқармоқда. Шу куни майдонга тушган 11 ўйинчидан фақат икки нафаригина 1998 йилда «Дўстлик» таркибида иштирок этган. Қолган 9 ўйинчи эса илк бор вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишга киришган футболчилар эди.

Албатта, муштарийларимизни «Дўстлик»нинг чемпионга қарши ўтказган ўйини тафсилоти қизиқтириши, табиий. Шубҳасиз, қайд қилиш мумкинки, «Дўстлик» «Пахтакор»га қарши ажойиб ўйин кўрсатди. Илк учрашув ҳаммамизда «Дўстлик»нинг 8-миллий чемпионатда совринли ўринларга даъвогарлик қилишга ҳақли, деган ишонч уйғотди.

Бундай дейишимизга тўла асос бор. Учрашувни ҳужумкорлик руҳида бошлаган футболчиларимиз биринчи бўлимнинг 7-дақиқасидаёқ ҳисобни очдилар. Команданинг моҳир ҳужумчиси ва тўпурари Фарид Ҳабибулин ажойиб ўйин кўрсатиб, биринчи тўпни тўрга киритди. «Дўстлик»нинг ҳужумлари давом этаётган бир пайтда ҳимоячимиз Февзи Давлетовнинг ҳакам томонидан майдондан чиқариб юборилиши жуда афсусланарли бўлди. Майдонда 10 иштирокчи билан қолган «Дўстлик» шунга қарамай, ўз ҳужумларини давом эттирди. Биринчи бўлим 1:0 ҳисоби билан якунланди.

Иккинчи бўлимда «Пахтакор»нинг бош мураббийси ўйинга Азамат Абдураимов, Андрей Акопянц сингари таниқли ҳужумчиларни туширди. Гарчанд, пахтакорчилар ҳужумга зўр берсалар-да, вилоятимиз футболчилари уларни моҳирлик билан қайтара олдилар. Ҳар икки жамоанинг шиддатли ҳужумлари давом этарди.

Футболда майдон кенг, тўп юмалоқ, деган ибора бор. Афсуски, учрашув тугашига бор-йўғи 4 дақиқа қолганда, қарши ҳужумга ўтган меҳмонларнинг омади кулиб бокди. «Пахтакор» ўйинчиси Бахтиёр Қамбаралиев жавоб тўпини киритиб, «Пахтакор»ни мағлубиятдан сақлаб қолди. Наилож, «Дўстлик» муҳим ғалабани қўлдан бой берди. Лекин, бу жанговор дуранг «Дўстлик» ишқибозларини руҳан туширмади. Чунки, чемпионат энди бошланди. Илк учрашувни чемпионга қарши муносиб ўтказган вилоят жамоасининг чиройли ўйинлари ва ғалабалари ҳали олдинда, деб умид қиламиз.

Вилоятимизнинг иккинчи жамоаси — «Металлург» Термизда «Сурхон» футболчиларига қарши майдонга тушди. Шуни айтиш керакки, «Металлург» ҳам шу куни яхши ўйнади. Агар 20-дақиқада мезбонлар ҳисобни 1:0га етказган бўлсалар, ўйиннинг 28-дақиқасида «Металлург» жавоб тўпини киритиб, ҳисобни 1:1 қилди. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади.

Энди футбол ишқибозларини биринчи тур учрашувларининг қолган натижалари билан таништирамиз. «Насаф» — «Хоразм» — 1:2, «Зарафшон» — «Бухоро» — 1:1, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 1:2, «Трактор» — «Нефтчи» — 1:2, «Самарқанд» — «Навбаҳор» — 2:1, «Янгиер» — «Темирйўлчи» — 1:1.

Шундай қилиб, «Дўстлик» ўйингоҳида Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган тантаналар таассуротларга бой бўлди. У кечгача давом этди.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

СУРАТЛАРДА: байрам шодиёналаридан лавҳалар.

А.САИТОВА, Д.АҲМАД ва Р.НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Наврўз мушоираси

ӨҲА НАВӨСИ

Наврўз келди —
Баҳор келди,
Ёз келди.
Нурлар сочиб,
Гуллар очиб соз келди.
Карнай чалиб,
Сурнай чалиб,
Най чалиб,
Арқон солиб турна,
Ўрдак,
Ғоз келди.
Олисдаги қорли тоғлар кўркамдир,
Шаршараси шердай сапчир, ўктамдир,
Дала-даштлар,
Боғу-роғлар гуркирар,
Еру-кўкда,
Тоғу-тошда кўкламдир.
Шиша янглиғ мовий Наврўз самоси,
Танга ҳузур бахш этар соф ҳавоси.
Виқор ила,
Завқ-шавқ ила янграйди.
Истиқлолнинг оҳанрабо навоси.
Аммо, қай бир манфурларга бу ёқмас,
Уларга тун ёқар,
Шуъла,
Чироқмас.
Қалтабинлик миялярин ғовлатмиш,
Билиб қўйинг, дарё ортга ҳеч оқмас!
Юрт шаънига доғ туширди бузғунлар.
Азал касби гўнг кавловчи қузғунлар!
Кечирмайди сизни ҳечам ўзбегим,
Кечирмайди ноҳақ оққан пок ҳунлар!
Кечирмайди,
Жазолайди, албатта!
Гуноҳ борми, ҳунрезликдан ҳам катта?!
Истиқлолнинг оҳанграбо навоси
Янграйверар!
Йўқ тўхтатиш давоси!
Юртбошимиз ўгитларин мадҳ этиб.
Янграйверар! —
Жаҳон аҳли шайдоси!
Юртбошимиз омон бўлсин, бор бўлсин,
Халқимизга бахт-саодат ёр бўлсин,
Буюк йўлда улуғ Калон Бобомиз
Амир Темур руҳи мададкор бўлсин!..
Наврўз келди —
Баҳор келди,
Ёз келди,
Нурлар сочиб,
Гуллар очиб соз келди.
Карнай чалиб,
Сурнай чалиб,
Най чалиб,
Арқон солиб турна,
Ўрдак,
Ғоз келди...

Мавлон ИКРОМ.

КЕЛА ҚОЛГИЛ...

Сенга атаб айтай бугун дилдаги сўзим,
Баҳорим, сен ёшлигим, сен асли ўзим,
Илк ҳаётим, далаларда ризқиму-рўзим,
Кела қолгил, мен соғиндим сени, Наврўзим.
Кўнгилдаги ҳузурми ё илиқликмисан,
Меҳрмисан, муҳаббатга интиқликмисан.
Тафаккурда теран ажиб тиниқликмисан,
Кела қолгил, мен соғиндим сени, Наврўзим.
Келмасингдан нелар тушди менинг бошимга,
Оғу солмоқ бўлди душман бирдан ошимга.
Оллоҳ сақлаб мадад берар ўз Юртбошимга,
Кела қолгил, мен соғиндим сени, Наврўзим.
Мустақиллик чирой очар шу тинчлик ила,
Дунё ичра зиё сочар юрт тинчлик ила,
Эй қадрдон, озод элга кел, тинчлик тила,
Кела қолгил, мен соғиндим сени, Наврўзим.
Аждодларим руҳи ёдда, қалбимда иймон,
Эзгуликдир орзулари исломда инсон,
Буюк Ватан боғларини айлагил бўстон,
Кела қолгил, мен соғиндим сени, Наврўзим.

Муҳаммадзаҳроб ИСМАНОВ.

ӨМӨНЛИК БЎЛСӢН

Олам яшармоқда қўклам исидан,
Гуллар сочилармиш Наврўз изидан,
Куй-қўшиқ тушмагай ўғил-қизидан,
Қиш ўтиб, ҳўб яшил замонлик бўлсин,
Наврўзга етганлар, омонлик бўлсин!

Бугун табиатда ўзгача наво,
Қалбларга қўйилар баҳорий сабо.
Наврўзим, марҳабо, юртга марҳабо!
Биз учун бир ҳуррам замонлик бўлсин,
Наврўзга етганлар, омонлик бўлсин!

Ўзинг қўйнимсан, ўзинг бир нурсан,
Дунё сандиғида жавоҳир, дурсан,
Минг бир фасларнки, сен яқиндирсан,
Баҳрингда улғайиш, камолик бўлсин,
Наврўзга етганлар, омонлик бўлсин!

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

БАЙРАМ КУЙ-ҚЎШИҚСИЗ БЎЛМАЙДИ

...НАВРЎЗ келди! Наврўз... Бу — оддий кун эмас. Оддий байрам ҳам эмас. Бутун дунёдаги мусулмон давлатлари, қадим миллий анъаналарни эъзозлаган эл-элатлар бу кунни улуғ эзгуликлар элчиси сифатида юксак қадрлайди ва байрам қилади. Наврўзда ўзаро низолар барҳам топиб, араз-лашганлар ярашадилар, ёр-биродар, дўсту қадрдонлар бир-бирларини йўқлайдилар. Далаларга уруғ тушади. Дошқозонларда сумалаклар қайнайди... Буларнинг ҳаммаси тинчлик ва яратувчилик фасли — Наврўзи оламнинг улуғ ҳислатидандир.

Мустақил юртимизда Наврўзнинг қадри ҳам, қадди ҳам йил сайин юксалиб бормоқда. Бой қадриятларимиз ва миллий анъаналаримиз ривож топаяпти. Буни жойларда ўтказилаётган наврўзолди тадбирларида, халқ хашарлари ва сайилларида, одамларнинг меҳнатга муносабати ва тафаккурининг ўзгариб бораётганида, тадбиркорлик ва ижодкорлик тарихий анъаналар билан уйғунлашаётганида кўриш мумкин.

Табиийки, бизда ҳеч бир шодиёна куй-қўшиқсиз ўтмайди. Вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳамда «Ўзбекнаво» концерт-гастрол бирлашмасининг вилоят бўлими ҳамкорликда «Пойи қадамингдан ўргилай, Наврўз» деб номланган катта байрам дастурини тайёрлади. Дастурда вилоятнинг кўзга кўринган бадиий жамоалари, таниқли санъат усталари, ёш ижрочилар қаторида шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган фольклор дасталар ҳам қатнашадилар.

— Ўтган куни «Дўстлик» ўйингоҳида бўлиб ўтган катта футбол байрами ҳам Наврўз тантаналарининг бир бўлаги сифатида ҳаммамизда катта таассурот қолдирди, — дейди вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғининг муовини Акбарали Шокиров. — Бу қўшалоқ байрамда иштирок этган бадиий жамоалар, истеъдодли ёш ижрочилар, назаримда, яна бир карра мухлислар кўригидан ўтдилар.

Ҳа, вилоятимизда ўз ижро услуби ва ўзига хос қиёфасига эга бўлган бадиий дасталар кўпайиб бормоқда. Эртага пойтахтда бўладиган асосий байрам тантаналарида ана шулардан бир гуруҳи — Оққўрғоннинг «Қувонч» халқ рақс дастаси, Ангреннинг «Шанс» халқ шоу-балет гуруҳи, Чирчиқнинг «Мохларойим», Олмалиқнинг «Шахноз», Юқоричирчиқ туманининг «Муножот» фольклор-этнографик жамоалари, Қуйичирчиқнинг «Шодлик» корейс рақс дастаси ўзларининг «Тошкент — музофотимсан» деб номланган вокал-хореографик композицияси билан қатнашадилар. Уларни режиссёр Рустам Маъдиев ва балетмейстер Тоймуроз Тикоев саҳнага тайёрламоқда.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

ЙИЛ БОШИ — ҲАМАЛ ТОШИ

НАВРЎЗ — ўхшаши йўқ байрам. Негаки, у аввало, энг қадимий ва миллийлиги, ҳар қандай диний ақидалардан холи ва халқчиллиги, яъни ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

ҚАДИМИЙЛИГИ шундаки, унинг юзага келганига қарийб 5000 йил бўлган. Тарихий манбаларда қайд этилишига қараганда, бундан 50 асрча муқаддам Сириус юлдузи Ғарбга ботганидан сўнг орадан 365 кун (яъни бир йил)дан сал кўпроқ вақт ўтиб, Шарқда қайта кўринган кунни мисрликлар Янги йилнинг бошланиши сифатида қабул қилишган. Эрон ва Ўрта Осиё мамлакатларида эса Ер 365 куну 5 соат 48 дақиқа 46 сонияда Қуёш атрофида бир марта айланиб чиққан кун Наврўз яъни йилбоши сифатида юритила бошланган. Ушбу вақт ҳар йили 21 март кунига тўғри келади. Худди шу куни тун ва куннинг узунлиги тенглашиб, 12 соатданни ташкил этади. Кейин кун узайиб, тун эса қисқара бошлайди. Бу табиий жараён 23 сентябргача давом этиб, кун ва тун яна тенглашади. Энди тун узайиб, кун эса қисқариб боради.

Шу ўринда «нима учун 23 сентябрь эмас балки 21 март йилбоши сифатида танланган?» деган табиий савол туғилади. Ҳақиқатан ҳам, Шарқда кун узаядиган вақт Янги йил, яъни Наврўз байрамининг аввали қилиб белгиланишида табиий асос ва чуқур маъно бор. Бу шарқликларда ёруғлик ва эзгуликка, уйғониш ва ривожланишга қадим-қадимдан кучли интилиш зоҳир эканлигидан далолат беради. Шарқда Янги йил ҳисобининг баҳор бошланиб, табиат уйғониб, ҳаётнинг янгиланиши кунларига тўғри келиши қонуний ҳолдир.

Хулоса қилиб айтганда, Наврўз аслида Шарқ халқларининг Янги йил байрами эканлигининг ўзи унинг миллийлигини ҳам кўрсатади.

Наврўзнинг диний ақидалардан холи эканлиги масаласига келсак, шўролар даврида уни ислом билан боғлаб, халқни бу ажойиб байрамдан бенасиб қилишга уринишлар бўлганлиги ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Аслида эса юқоридаги тарихий далиллардан ҳам кўриниб турибдики, Наврўз ислом дини дунёга келмасдан бир неча минг йиллар илгари байрам қилина бошлаган.

Шарқона Янги йил — Наврўзнинг халқчиллиги, ҳаётийлиги яна шундаки, у энг аввало, оддий меҳнаткаш халқнинг тўкин-сочин кунларга, фаровон ҳаётга интилишини акс эттирувчи турли хил урф-одат ва маросимлар бир-бирига уйғунлашиб кетадиган, кексаю ёш баравар кўнгилхушлик қиладиган байрамдир. Чунончи, ушбу умумхалқ байрами арафасида беистисно ҳамма ерда оммавий ҳашарлар бошланиб, кўчалар, йўллар, хиёбонлар, ҳовли-жойлар тозаланиб, саранжом-сариштa қилинади. Бир-бирларини меҳмоннавозлик билан сийлаш, иззатлаш, ҳайру-эҳсон каби савобли ишлар оммавий тус олади. Халқ сайиллари уюштирилиб, ўйин-кулги авжига чиқади.

Биз деҳқонлар учун энг муҳими эса, меҳнаткаш оммани-нг руҳиятидаги ана шу хуш кайфият бевосита далаларга кўчади. Айнан 21 мартдан бошлаб, Ҳамал киради. Худди шу кундан замин бағрига иссиқлик югуради, ердан ҳовур кўтарилиб, жамики дов-дарахт, гиёҳ ва ўсимлик амал ола бошлайди. Деҳқонлар яхши ният, эзгу мақсад билан экин-тикин ишларига қўл урадилар, ризқ-рўз яратиш учун астойдил киришадилар.

Хусусан, вилоят далаларида экин-тикин ишлари бошланганига анча бўлди. Биринчи навбатда кузда экилган пиёз ўтдан тозаланади. Тунов кунги ёмғирдан аввал ўғит сепилгани айни муддао бўлиб, ҳозир гуркираб ўсаяпти.

Баҳор эртароқ бошланганидан фойдаланиб, эртаги карамни экиб олган миришкорлар куни кеча биринчи озиқлантиришни тугаллаб, дастлабки сувни беришни бошладилар.

Бозорларимизда эл дастурхонини безаётган резаворлар ҳам кўклам маҳсули. Иншооллоҳ, бу йилги ҳаракат, бу йилги баҳор деҳқонларимизнинг ишида барака бўлишини кўрсатмоқда.

Хуллас, буюк аллома Абу Райҳон Беруний айтганидек, Янги йил бошланганлигининг даракчиси бўлган Наврўз бир кунлик байрам эмас. Меҳнаткаш халқ бор экан, яратиш, бунёд этиш орзуси унинг қалбини тарк этмас экан, Наврўз байрами ҳам абадий давом этаверади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

Об-ҳаво

ҲАМАЛ кирди, амал кирди, дейди доно халқимиз. Наврўзи оламнинг юртимизга ташрифи қандай кечади?

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан бизга хабар қилишларича, 20-24 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлиши, тоғли туманларда эса қор ёғиши эҳтимоли бор. Кечалари 0-2 даража совуқ, 3 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари эса 12-14 даража илиқ бўлиши кутилади.

Нима бўлганда ҳам, байрам кайфияти дилларга қувонч келтиради, деб ўйлаймиз.

Мехрибон акажонимиз МУҲАММАДСОБИРХЎЖА САИДАНВАР ЎҒЛИ АСКАРОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан самимий қутлаймиз! Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахтли ҳаёт, ишларингизда омад тилаймиз!

Доимо соғ-омон бўлинг!

ЖИГАРГЎШАЛАРИНГИЗ.

Ўзбекистон Республикаси фармакология қўмитаси томонидан 1994 йилнинг 15 октябрида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Рамазон» (51-сонли дорихона) масъулияти чекланган жамиятга Ўзбекистон Давлат «Дори-дармон» акционерлик бирлашмасининг назорат-таҳлил лабораториясида сифат назоратидан ўтган дори-дармонларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқи берилган 1117-сонли фармакологик лицензия (рухсатнома) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги «ТІВ» хусусий фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри ва тўртбурчакли штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги «Ҳикмат-Р» хусусий ишлаб-чиқариш фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.**
Тел.: 49-05-14.

Бектемир туманидаги «Жавоҳир» акциядорлик жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Ауэзов кўчаси, 1-«а» уйда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-092. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6